



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 5 (12.066)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ўсиб келаётган ёш авлодни соғлом турмуш тарзига ошно этиш ва спортга меҳр-муҳаббатни синдириш борасида шарт-шароитлар яратиб бериш мақсадида Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилгач бутун республикамиз бўйича кўплаб замонавий спорт мажмуалари қад ростлаб, юз минглаб болаларнинг спорт тўғрисидаги ўз саломатликларини мустаҳкамлашлари йўлида кенг имкониятлар очилди.



Болалар спорти

СОҒЛОМ АВЛОД — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали томонидан ҳам ўтган йиллар мобайнида замон талабларига мос спорт мажмуаларини барпо этиш, уларни юқори маънавий мураббийлар ва зарур спорт жиҳозлари билан таъминлаш, замонавий мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, мавжудларини таъмирлаш ва реконструкция қилиш, ёш иқтидор эгаларини аниқлаш, уларни кўллаб-қувватлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Тошкент шаҳар филиали етакчи мутахассиси Махбуба Курбонова. — 10, 113-умумтаълим мактабларида янги спорт зали қурилди, 4 та сузиш хавзалари таъмирланди, битта янги 12х25 метр ҳажмдаги ёпик сузиш хавзаси қурилди. Шунингдек, 14-гимнастика спорт турларида ихтисослаштирилган спорт мактаби реконструкция қилинди. Бевосита филиалимиз ташаббуси билан йил давомида 450 дан ортиқ спорт мусобақалари ўтказилиб, уларда 71.753 нафар ўғил-қизлар иштирок этди. Бугунги кунда доимий спорт билан шуғулланадиган 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўғил-қизлар сонининг 31.210 нафардан ортиши Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан олиб борилаётган из-

чил ишлар самараси албатта. Улар сафида иқтидорли, интилувчан 1088 нафар ёшларнинг мамлакат ва халқаро миқёсдаги турли мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, 2003 — 2011 йиллар давомида 32 та олтин, 36 та кумуш ва 56 та бронза медалларини қўлга киритишганини меҳнатлар ҳосили дейиш мумкин. Бир сўз билан айтганда бўлса, мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга қаратилган юксак эътибор ўсиб келаётган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши, халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир иқтидорли спортчиларни тарбиялашга хизмат қилмоқда. Шоира МУҲАМЕДОВА

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз Қуролли Кучларини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Миллий армиямизнинг жанговар тайёргарлиги ва ҳарбий ватанпарварлик руҳи юксалмоқда, ҳарбийлик касбининг нуфузи тобора ортмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллиги олдидан ҲАРБИЙЛАРГА БАҒИШЛАНАДИ

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси мамлакатимиз Қуролли Кучларининг 20 йиллигига бағишлаб Қуролли Кучларимиз ҳарбий хизматчисининг Амир Темур хайкали олдига турган ҳолати акс эттирилган рангли плакатларини чиқарди. Плакатда халқимизнинг шонли ҳарбий аъёнлари бардавломлигини, унинг Ватанимизни ҳимоя қилишга доимо тайёрлигини ўзида мужассам этган чуқур маъно ифодаланган. 2012 йил тақвими ҳам ҳарбий мавзуга бағишланиб, унда тантанали равишда ҳарбий қасамд ҳарбий қилаётган мударри ҳарбий хизматчи акс эттирилган. Қуролли Кучларимизнинг шонли юбилейига бағишлаб Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан ҳамкорликда «Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан» китобини нашр этмоқдамиз, — дейди «Шарқ» НМАК бош муҳаррири Ахрор Аҳмедов. — Китобда Ўзбекистонда ҳарбий соҳанинг ташкил топишидан тортиб ҳозирги давргача бўлган ривожланиш жараёни хронологик тартибда ёритилган. Шунингдек, Искандар Раҳмоннинг «Ватанга қасамд» шеърлар тўплами ҳам нашрга тайёрланмоқда. Унда муаллифнинг миллий армиямиз аскарлари кўрсатаётган жасорат ва ватанпарварлик, уларнинг она Ватанимизни ҳимоя қилишга тайёргарлиги тараннум этилган асарлари жамланган. Бундан ташқари, «Шарқ» компанияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг умумҳарбий низоми, аскарлар ва офицерларнинг билимларини бойитишга хизмат қиладиган ўқув қўлланмалар нашр этилмоқда. Бундай адабиётларга олий ҳарбий ўқув юртида ҳам эҳтиёж катта.

Р. БОНДАРЧУК, ЎЗА мухбири

Қарор ва ижро ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда давлат ва жамиятнинг ҳуқуқий асоси — миллий қонунчилик тизимини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 августда қабул қилинган «Қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш, шунингдек, улар бажарилиши мониторингини дастурларини тайёрлаш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори бу борадаги ишларни такомиллаштиришга хизмат қилаётди.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган вазифаларнинг ҳаётга таътиб этилаётгани самарасида барча соҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар янги босқичга кўтарилди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жинойи, маъмурий ва ижтимоий қонунчилик бошқармаси бошлиғи Нусратбек Тўйчиев. — Концепцияда белгилаб берилган устувор йўналишлар асосида мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, барча соҳани эркинлаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш йўлида кенг кўламли ишлар тизимли ва изчил амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ КЕЛАЖАК САРИ ҚАТЪИЙ ИШОНЧ БИЛАН БОРМОҚДА

Ўзбекистон фуқаролари қутлуғ сана — Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги нишонланган 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожлантириш, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ислохотларни амалга ошириш бўйича эришилган ютуқларни қандай баҳоламоқда? «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган навбатдаги ижтимоий сўровда ана шу саволларга жавоб олинди.

Сўровда республикамизнинг барча ҳудудлари аҳолиси, эркаклар ва аёллар, ҳар хил касб эгалари, турли ёш ва миллатга мансуб фуқаролар қатнашди. Бу эса олинган маълумотларнинг юқори даражада ишончли бўлишини таъминлади. Ижтимоий фикр сўрови натижалари шуни кўрсатдики, мамлакатимиз аҳолиси давлатимиз раҳбари юротаётган ички ва ташқи сиёсатни тўла қўллаб-қувватлайди. Фуқаролар Ўзбекистоннинг истиқлол йилларида қўлга киритган муваффақиятларини, хусусан, ўтган йилда эришилган ютуқларни юқори баҳоламоқда. Мамлакатимизда изчил амалга оширилган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотлар самарасида уларнинг келажаққа бўлган ишончи янада мустаҳкамланди. Сўров маълумотларига кўра, аксарият аҳоли Ўзбекистоннинг ривожланиш истиқболлари 2012 йилда ҳам юқори бўлишига қатъий ишонди.

Ўтказилган сўров ҳаётимизнинг кўплаб жабҳаларида улкан ижобий ўзгаришлар рўй берганини яна бир қарра тасдиқлади. У фуқароларимизда давлат ва жамиятнинг ривожланиши суръатларидан мамнуният ҳисси барқарор ўсиб бораётганини кўрсатди. Жумладан, аксарият аҳоли (91 фоиз) мамлакатимиз иқтисодиёти, хусусан, банк тизими, транспорт ва хизмат кўрсатиш соҳаларида эришилган натижалардан хурсанд. Сўралган фуқароларнинг 97,5 фоизи инсон ҳуқуқларини таъминлаш, 89,5 фоизи аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, 88,2 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қўлай шарт-шароит яратиш, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа муҳим соҳаларда амалга оширилаётган ишларни юксак баҳолайди.

2009-2011 йилларда ўтказилган ижтимоий фикр сўровларининг қиёсий натижалари аҳоли фаровонлигининг ошганидан далolat бермоқда. Сўралганларнинг ярмидан кўпроги ўзларининг моддий аҳолини яхшиланган деб ҳисоблайди. Айни пайтда аксарият фуқаролар ўз оилаларидаги ана шу моддий аҳолини яхши ва ўртача деб билади ҳамда бунга мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилган ислохотлар бевосита ижобий таъсир кўрсатганига қатъий ишонди.

Жамият ҳаётида оила алоҳида ўрин тутади. Сўралганларнинг фикрича, Президентимиз Ислам Каримов томонидан 2012 йилнинг Мустаҳкам оила йили деб эълон қилиниши мамлакатимизда мазкур муҳим институтни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасида кўрсатилаётган юксак эътиборнинг яна бир ёрқин далилидир. Улар давлатимиз раҳбари томонидан бу борада белгиланган вазифаларнинг бажарилиши жамиятимизда оиланинг ўрни ва аҳамияти янада ошишига, турмуш фаровонлигининг юксалишига хизмат қилади, деб ҳисоблайди.

(Давоми 2-бетда)

XXI саҳоси Барча манбалардан олинган сўнгги жаҳарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқанд шаҳридаги «Сабина-С» хусусий корхонасида банкдан олинган 50 миллион сўмлик кредит эвазига модернизация тадбирлари амалга оширилди. Натижада бу ерда импорт ўрнини босувчи мебель жиҳозлари тайёрлаш йўлга қўйилди. Ундан ортиқ кўшимча иш ўрни яратилган корхонада ўтган йили 300 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди.

● Жиззах туманида Аёллар ва ёшларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази иш бошлади. Жиззах вилоятидаги «Истиқболли авлод» ёшлар ахборот-маърифат маркази лойиҳаси доирасида ташкил этилган мазкур жамоат бирлашмаси қишлоқдаги ижтимоий муҳофазага муҳтож оилалар вакилларини бизнес ва тадбиркорлик соҳасига жалб этиш борасида фаолият олиб боради.

● Навоий шаҳридаги «Мурунтау» корхонаси раҳбари Рамазон Саломов миллий таомимиз — сумалакни бежирим идишларда қадоклашни йўлга қўйди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 40 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Эндиликда тадбиркор ўз маҳсулотини ташқи бозорга чиқариш ҳаракатида.

● Ўзбекистон Футбол федерациясида мамлакат XXI миллий чемпионати олий лига ўрашувларида қўрғи ташланди.

● Жиззах вилояти Пахтакор тумани марказида лойиҳа қиймати 1,2 миллиард сўмлик гўштни қайта ишлашга ихтисослаштирилган «Харидор-Барака» хусусий корхонаси фаолият бошлади. Эндиликда бу ерда кунига 3 тоннагача гўшт қайта ишланиб, 11 турдаги колбаса маҳсулотлари тайёрланмоқда. Шунингдек, хусусий корхона қошида чорвачилик фермасини ташкил этиш ҳам режалаштирилмоқда.

ЖАҲОНДА

● Испания Ташқи ишлар ва ҳамкорлик вазири давлат харажатларини қисқартириш мақсадида мухториятларнинг хориждаги 200 га яқин ваколатхонасини ёпиш таклифи билан чиқди. Шу ўринда таъкидлаш керакки, 1978 йили қабул қилинган мамлакат Конституциясига биноан Испанияда 17 та мухторият ташкил этилган. Шундай қилинса, йилига мамлакат иқтисодиёти 400 миллион евро миқдорида маблағ тежайди. У ваколатхоналар масъулларининг маълум қисмини расмий дипломатик миссиялар таркибига киритиш мумкин.

● Ҳозирда қувғинда бўлган Покистоннинг собиқ етакчиси Парвез Мушарраф шу ойнинг охиригача ўз ватанига қайтади.

● Венесуэла президенти Уго Чавес АҚШнинг «Экссон мобил» компаниясига 12 миллиард эмас, балки 250 миллион АҚШ доллари миқдорида пул тўланишини билдирди.

● Кеча Хитой Халқ Республикаси Шинжон-Уйғур мухтор туманининг шимолий қисмида беш балли зилзела содир бўлди.

● Ўтган йилнинг март ойида Японияда юз берган табиий офат оқибатида «Фукусима-1» АЭСида содир бўлган ҳалокат Француз экспертларини мамлакатдаги АЭСлар ҳолатини ўрганиб чиқиш ва таҳлил қилишга ундади. Натижада экспертлар Франция АЭСлари ишончилигини янада ошириш учун кўшимча инвестицияларнинг жалб қилиниши зарурлигини уқтиришмоқда. Бунинг учун 40-50 миллион евро миқдорида инвестиция жалб қилиниши мумкин. Айтиш керакки, бугунги кунда Франция эҳтиёжга сарфланаётган электр энергиясининг 75 фоизини АЭСлар таъминлайди.

● Кеча Чеченистонда ички ишлар ходимлари ва жангарилар ўртасида рўй берган тўқнашув чоғида тўрт нафар ички ишлар вазирлиги ходими ҳалок бўлди, ўн икки нафари турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Ҳозирда жангарилар гуруҳини қўлга олиш юзасидан махсус тадбир амалга оширилмоқда.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** спортнинг 12 тури бўйича мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказиб келинаётган «Умид ни-

ҳоллари» спорт мусобақаси шаҳар босқичининг енгил атлетика, сузиш, баскетбол, бадий гимнастика турлари бўйича бахслари бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш

давлат қўмитаси томонидан «Ўзбекистон: муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизими» мавзусида давра суҳбати ташкил этилади.

✓ **«ОНИКС»** акциядорлик жамиятида Маънавият тарғибот

маркази Олмазор туман бўлими томонидан Мустаҳкам оила йилига бағишланган «Мустаҳкам оила — жамият таянчи» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллиги олдида

Не бахтки, озод ва обод мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма йиллик байрами тантаналари шужуҳи дилларимизни тарк этмай туриб, яна бир ажиб сана – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 20 йиллигини кутиб олишга ҳозирланаямиз. Шу муносабат билан аввало оддий бир фуқаро, қолаверса, собиқ ҳарбий ходим, Қуролли Кучлар фахрийси, ижодкор сифатида бениҳоя мамнун эканлигимни чин қалбимдан изҳор қиламан.

ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ

Ҳозиргача баҳоли қудрат ишлаб, ёшларга ҳаётӣ тажрибам ва билимимни ўргатиш, қўлимга қалам олиб, ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги «Сафарларда ўтган кунларим» номли хотираларим, шунингдек, «Ўзбекистон посбонларимиз!», «Ассалом, улугъ юрт, кутлугъ Армиям!», «Ватанга қасамед» деб аталмиш сафларда кўпчилик бўлиб, жўровозликда ижро этиладиган жанговар қўшиқ, маршларим тўпلامини нашрга тайёрлаб, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, Ватанимиз мудофаа қобилияти ва салоҳиятини янада ошириш, ёшларимизни элсеварлик, мардлик, жасурлик, бурчга садоқат, фидойилик руҳида тарбиялашга камтарона ҳисса қўшиш ниятидаман, ўзимни ҳамон жанговар сафдагидек ҳис қиламан, бурчли санайман. Шунинг учун ҳам кейинги 20 йил ичда Қуролли Кучларимизда изчиллик билан ўтказиладиган ислохотлар, оламшумул ўзгаришларга бефарқ, лоқайд эмасман. Чунки бу менинг ўз миллий армиям, мустақиллигимиз меvasи, унинг мард, фидойи, баҳодир посбони ва қалқони! У энди ўз мустақил Ўзбекистонимиз кўп миллатли аҳолиси, ҳудуди ва сарҳадларини турли балоқазо, офат, фалокат, ёвуз кучлар тажовуздан ишончли қўриқлайди. Шу маънода ҳозирги кунда буюк истиқлол шарофати билан ҳар бир ҳарбий хизматчи туғилиб ўсган Ватанида, миллий армияда ярайаб-яшнаб хизмат қилаётганидан бениҳоя фахрланаман. Қани энди, мен ҳам ондан қайта тугилсам йигитлик бурчимни ўз Ватанимизда адо этсам, халқимиз тинчлиги, осойишталиги, чегараларимиз дахлсизлигини кўз қорачиғидек асрасам, дейман.



Бугун қайси ота-она билан сўзлашманг, қандай қилиб бўлса ҳам, фарзанди армияга боришини астойдил истаяпти. Сабаби, улар Қуролли Кучларимизда хизмат қилаётган аскарнинг қандай қулай шарт-шароитларда яшаётгани, кийим-бошларининг ихчам, чиройли ва бежиримлиги, ҳатто дала, машқ майдонларига чиқишганда, техник воситалар, шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари билан шуғулланишганда ҳам алоҳида либос билан таъминланганликларини яхши билишади. Бундан ташқари аскарларнинг армияда юк-

сак жисмоний, ақлий ва интеллектуал салоҳиятини эгаллашга, ҳарбий хизматини намунали ўтаган фарзандларининг ўқиш ёки ишга киришида қўллаб-имтиёزلарга эга бўлишга, ҳарбийларга имтиёзларга кредитлар берилётгани, юртимизнинг турли минтақаларида ҳарбийларнинг оилалари учун қулай ва шинам уй-жойлар, маданий-маиший, спорт ва тиббий иншоотлари қурилиб, фойдаланишга топширилётгани, умуман, Юртбошимиз раҳнамолигида қилинётган оталарча ғамқўрлик ва эътибордан хабардор ва миннатдордирлар.

Таъкидлаш жоизки, ўтган 20 йил мобайнида ҳаётга татбиқ этилган кенг қўламли ислохотлар, ҳарбийларга оид бир қатор қонунларнинг такомиллашуви туфайли мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётига қарши қаратилган ҳар қандай тажовуз ҳамда ғаразли уришишларнинг олдини олишга қодир бўлган ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроғ, ҳарбий техника билан таъминланган, жанговар қобилият ва юксак тайёргарликка эга профессионал миллий армиямиз шаклланди, Қуролли Кучларимизни ташкил этиш ва бошқаришнинг мутлақо янги тизими вужудга келди, улар сафини тўлдириб такомиллаштирилди. Натижада армиямизнинг салоҳияти ва қиёфаси тубдан ўзгарди. Ёшлар ўртада ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори, нуфузи ошди, армияда хизмат қилиш том маънода шон-шараф ишига айланди. Бундан қувонамиз, фахрланамиз бўладими?

Шундай экан, ҳаётимизга янгича маъно, мазмун бахш этган бу бебаҳо неъматнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг инсонийлик бурчимиз, қарзимиз ва фарзимиздир. Дунёнинг турли минтақаларида давом этаётган урушлар, ҳарбий қарам-қаролик, можадолар, терроризм, экстремизм, наркотрафик каби иллатлар биздан доимо ҳимоя ва оғоҳ бўлишни талаб этади. Галнинг сирасини айтганда, ҳарбий ходимларга шундай оталарча ғамқўрлик, эътибор қўрсатилиб, юксак ишонч билдирилётган ва улар миллий армиянинг мустақил таянчлари экан, Ватанимиз тинч ва осойишта, осмонимиз мусаффо бўлишига иймонимиз қомил. Зеро, миллий армиямиз мустақил юртимиз ёрқин келажаги, халқимиз фаровонлигининг ишончли кафолатидир!

Ўзбекистон ишончи, Ифтихори, қувончи, Пойдевори, таянчи, Камарбаста, юланчи.

Армиямиз бор бўлсин, Унга омад ёр бўлсин! Ёвуз ният ганимлар, Шарнисору хор бўлсин!

Чегарамиз посбони, Тинчлигимиз қалқони, Элининг марди майдони, Ор-номуси, виждони.

Армиямиз бор бўлсин, Унга омад ёр бўлсин! Ёвуз ният ганимлар, Шарнисору хор бўлсин!

Эл, Армия бир бўлса, Кафолатда яшаймиш! Осмонимиз мусаффо, Фароғатда яшаймиш!

Искандар РАҲМОН, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмисси аъзоси, Қуролли Кучлар фахрийси Аъло Абдуллаев (ЎЗА) олган сурат

Иқтисодиёт

ИМКОНИЯТЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИБ

Мамлакатимиз ички бозоринда йилдан йилга сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар кўпайишида, иқтисодиётимиз ривожига ҳорижий сармоядорлар иштирокида ташкил этилган қўшма корхоналар самарали саъй-ҳаракатларни амалга оширмақда.

2009 йилдан фаолият кўрсатаётган масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Arena Holding Group» Ўзбекистон — Англия қўшма корхонаси бунга мисол бўлади. Ушбу корхонада юксак самарали технологик линия, дастгоҳ ва ускуналардан унумли фойдаланган ҳолда қоғоз маҳсулотлари — мактаблар учун дафтар, умумий дафтарлар, альбом, рейтинг кундалиқлар, чизмачилик учун папкалар, матбаачилик, офис, нусха кўчирувчи техника учун қоғоз ишлаб чиқарилмоқда.

Ушбу қўшма корхонада маҳсулот сифатини таъминлаш мақсадида, масалан, бир йилда ишлаб чиқариш (дафтар, папкалар) қуввати 150 миллион дона бўлган автомат-линия, 12 миллионга қоғоз тайёрлайдиган ва шунча микдорда қадоқловчи линия товарлар хариддорлигини таъминламоқда. Жумладан, буюртмаларнинг ўз мuddатларида ва сифатли бажарилишида замонавий техника воситалари муҳим омили бўлмоқда.

Бетақорор андозалар, илғор технологиялар, малакали ишчи-хизматчилар корхона муваффақиятини таъминлаётти. Шу ўринда сифатли хом ашё ҳақида ҳам алоҳида тўхталиш жоиз, албатта. Изланишлар, ички ва ташқи бозорни чўқур ўрганиш асосида тайёрланган қўшма корхона маҳсулотлари нафақат республика бўйлаб, балки четга ҳам чиқарилмоқда.

СИФАТЛИ, ИШОНЧЛИ ВА КАФОЛАТЛИ

Маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлашда унинг сифати, ишончилиги, кафолати ва таннархи муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда ўз фаолиятини муваффақиятли олиб бораётгани боис ўз соҳасида етакчи мавқени эгаллаб турган «Vostok Energiya» масъулияти чекланган жамиятида рақобатбардош электр ускуналар тайёрланади. Ушбу корхона маҳсулотлари «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» белгиси билан ҳорижага ҳам экспорт қилинмоқда.

Мамлакатимиз нефть-газ, кўмир, тоғ-кон саноатида, металлургия, энергетика, қишлоқ ҳўжалиги тизимидаги ташкилот, муассасаларда муваффақиятли қўлланилаётган импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар — трансформаторли подстанциялар, кўчаниш трансформаторлар, паст ва юқори кўчаниш электротехник ускуналар хариддорлиги таъминланмоқда. Шунингдек, улардан темир йўл транспортини ҳам унумли фойдаланилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, корхонада ишлаб чиқаришни модернизациялаш босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Янги маҳсулот турларини кўпайтириш, уларнинг ҳажмини ошириш, ҳамкорлар сафини кенгайтириш юзасидан янги лойиҳалар тайёрланмоқда. Айниқса, саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури ҳам қўл келмоқда. Шунингдек, ишлаб чиқаришда инновацияларни қўллашга катта эътибор қаратилмоқда.

Мазкур жамоанинг замон талаблари даражасида жиҳозланган тажриба-синов лабораториясида тажрибали мутахассислар меҳнат қилмоқда. Уларнинг илмий изланишлари корхона муваффақиятини таъминлашда беқиёс аҳамият касб қилади. Корхонанинг барча электр маҳсулотлари сертифициланган.

ХАРИДОР ТАЛАБИНИ ЎРГАНИБ

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир маҳсулотни тайёрлашда биринчи навбатда харидор талабини чўқур ўрганиш, дид ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда товарлар сифатини таъминлаш катта аҳамият касб этади. Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг муносиб ўрнини алоҳида таъкидлаш лозим.

Қайди қилинган вазифаларни удалашда ишлаб чиқарувчиларга илғор технологиялар, машина ва ускуналар қўл келмоқда. «Баҳоидор бизнес» хусусий корхонасида ҳам бу борада самарали саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Саккиз нафар ишчи-хизматчилар меҳнати билан сифатли кийим-кечаклар ишлаб чиқарилапти.

Ўтган йили корхонани модернизациялаш, яъни замонавий технология линия келтириб ўрнатиб асосида эркак, аёл ва болалар кийим-кечаклари талаблар даражасида тикилиб, буюртмачиларга етказиб берилди. Малакали дизайнчи, моҳир қўли тикувчилар яратётган миллий либослар, бошқа турдаги кийимларга эндиликда талаб икки баравар ошганлигини алоҳида таъкидлаш ўринли.

— Касаначиликни ривожлантиришга ҳам баҳоли қудрат хисса қўлимоқдамиз, — дейди хусусий корхона директори Баҳоидор Саидов. — Миллий либосларга беэақ берилмоқда зардўз, кашгачи, бисерчи қами ҳунармандлар муҳорати қўл келмоқда. Уларнинг кўмигида буюртмачилар учун эксклюзив кийимлар тикишни ҳам йўлга қўйдик. Айни кунларда болаларнинг ракс дастаси учун бир неча турдаги гастроль либосларини тикишга касаначиларни жалб қилганмиз.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ КЕЛАЖАК САРИ ҚАТБИЙ ИШОНЧ БИЛАН БОРМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган исчилохотларнинг самарасини фуқароларнинг истиқлол йилларида ташкил этилган иқтисодий институтларга бўлган ишончи ортганида ҳам кўриш мумкин. Ўз пул жамғармаларини банкларда сақлайдиган ҳамда маблағларини кўчмас мулк учун сарфлайдиган юрдошларимиз тобора кўпаймоқда. Буларнинг барчаси амалга оширилаётган иқтисодий ўзгаришлар фуқаролар ва оилаларнинг моддий фаровонлигига ижобий таъсир кўрсатаётганини ҳам тасдиқлайди. Сўров иштирокчиларининг фикрича, келажақда уларнинг ҳаёт фаровонлиги янада юксалади.

Аҳолининг Ўзбекистонда мустақиллик йилларида рўй берган ўзгаришларга бўлган муносабати фуқароларнинг ижтимоий кайфиятида яққол намоён бўлади. Сўров қониқиш ва хотиржамлик кайфиятидаги фуқаро-

ролар сони исчило ошаётганини кўрсатади. Сўров маълумотларига кўра, мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 90 фоизи ўз ҳаётидан тўла мамнун.

Сўров натижалари халқимизнинг Президентимиз Ислом Каримовга ишончи юксак экани яна бир бор тасдиқлади. Фуқароларнинг фикрича, давлатимиз раҳбари истиқлол йилларида Ўзбекистонда қарор топган тинчлик-осойишталик, фуқаролар, миллатлар ва динлараро ҳамжихатлик муҳити, жамиятдаги осудалик барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг асосий кафолатидир. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли фаровонлигининг дои-

мий юксалишига хизмат қилмоқда. Ижтимоий-сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимларини демократлаштириш ва либераллаштириш борасида босқичма-босқич амалга оширилган исчилохотлар қонунчилик органлари, ижро ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлиги ва сифатининг ошишида, бинобарин, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг тўла муҳофаза қилинишини таъминлашда муҳим омили бўлди.

«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида ЎЗА муҳбири Анна ИВАНОВА тайёрлади.

Касаба уюшма фаолларининг дунёқарашини янада кенгайтириш, билимини оширишда муҳим мавзуларга бағишланган тадбирлар, касаба уюшма ййғилишлари муҳим ўрин эгаллайди.

Анжуманлар

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Жумладан, яқинда «Суэсоз» трести давлат унитар корхонасида Тошкент шаҳар истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Кенгаши тизимидаги корхона, ташкилотларнинг касаба уюшма қўмиталари раислари, касаба уюшма фаоллари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақиллиги эришиш оstonасида» китобини ўрганиш ва 2011 йилда тармоқ бўйича амалга оширилган ишлар таҳлилига бағишланган тадбир ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг профессори Муҳаммад Қирғизбоев китобнинг тарихий аҳамияти, мазмун-моҳияти ҳақида, алоҳида тўхталиб, мустақиллик — буюк неъмат эканлиги, унга эришиш ғоят машаққатли, қийин, мураккаб бўлиб, ўша даврни, тарихимизни айниқса ёшлар чўқур англаб ўрганиши даркорлигини, мазкур китоб мустақилликни янада қадрлашга, Ватанини севинишга ўргатишни таъкидлади.

2011 йил давомида амалга оширилган ишлар юзасидан Тошкент шаҳар истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси кенгаши раиси Зиёдулла Худойбердиев ўз хисобот маърузасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг В. Қурултой ва II мажлисида белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиққан ҳолда тармоқ тизимида касаба уюшмаларининг олиб бораётган фаолиятлари ҳамда вазифалари хусусида тўхталиб ўтди.

Айтиш керакки, 2010 йилда тармоқ бўйича 174 та янги хусусий корхонада касаба уюшма ташкилотлари тузилиб, улардаги аъзолар сони 3504 нафар бўлса, 2011 йилнинг 11 ойи мобайнида касаба уюшма аъзоллигига қабул қилинган корхона ва ташкилотлар сони 255 тага ва улардаги аъзолар сони 3877 нафарга кўпайганлиги, корхона ва ташкилотларда касаба уюшма ташкилотлари тузиш орқали ишчи-ҳодимларнинг иқтисодий-ижтимоий йил ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш янги босқичга ўтиши билан биргаликда уларнинг бажарилиши жамоа шартномалари орқали кафолатланиши маърузада баён этилди.

Тармоқ тизимидаги корхоналарга коллежаларнинг 423 нафар битирувчилари ишга қабул қилиниб, касаба уюшма ташкилотлари томонидан бу ёшларнинг мазкур корхоналарда меҳнат малакасини ошириш, касб сирларини ўрганишлари учун уларнинг тажрибали мутахассисларга бириктирилиши, меҳнат муҳофазаси тўлиқ назоратга олинганлиги, «Устоз-шогирд» усулига йўналтирилган мазкур ишлар самара бераётганлиги эътиборга лойиқдир.

Шу билан бирга тармоқ тизимидаги корхона, ташкилотларда олиб борилган маънавий-маърифий ва спорт ишлари, маданий тадбирлар, ишчи-хизматчилар ҳамда уларнинг фарзандларини соғломлаштириш бўйича амалга оширилган ишлар баён этилди, шунингдек, айрим камчиликлар, ечилиши лозим бўлган масалаларга эътибор қаратилди.

Улугбек ПЎЛАТОВ

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Қонун лойиҳаларига доир ишлар дастури манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тақлифлари асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

Ўзбекистон Адлия вазирлиги мутахассислари манфаатдор ташкилотларнинг қонун лойиҳаларига доир тақлифларини тизимли, пухта ва танқидий кўриб чиқади. Уларнинг асосланганлиги ва долзарблиги, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига мувофиқлигига эътибор қаратилади. Шунингдек, яратилаётган қонунлар нафақат муайян соҳага тегишли нормаларга, ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий исчилохотлар талабларига мувофиқ ҳолда тайёрланади.

Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш тўғрисида тақлиф берилганда халқро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларига мувофиқлиги, етакчи ҳорижий мамлакатларнинг мавжуд тажрибаси, шунингдек, унинг амалга оширилишини таъминлайдиган механизмлар тўғрисида ҳам маълумотлар тақдим этилиши шарт.

Низомнинг энг муҳим талабларидан яна бири шунки, тақлифларни тайёрлашда тегишли ташкилотлар мавжуд қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш билан чеклиб қолмасдан, асосий эътиборни қонунларнинг мустақил ва яхлит лойиҳаларини ишлаб чиқишга қаратишлари лозим. Бунда уларнинг зиммасига тақлифларнинг сифати, асосланганлиги ва ўз вақтида киритилиши учун шахсий масъулият юкланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурлари лойиҳасига киритиш учун тақлифларни тайёрлашда, унга киритилган қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, келишиш ва киритишда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ишини амалда мувофиқлаштирилишини таъминлайди. Шу билан бирга, қабул қилинган дастурлар бажарилиши устидан самарали ва тизимли мониторинг олиб боради.

Ҳукуматимизнинг мазкур қарориди белгиланган қоида ва талаблар мамлакатимизда қабул қилинадиган қонунларнинг ҳар жиҳатдан пишиқ ва пухта бўлишига хизмат қилади. Бу эса кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим омилларидандир.

Норгул АБДУРАИМОВА, ЎЗА муҳбири

Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилганлигининг 20 йиллигига

**ШУ АЗИЗ ВАТАН —
БАРЧАМИЗНИКИ**

Юртбошимиз ташаббуси билан 1992 йили ташкил этилган Республика Байналмилал маданият маркази (РБММ) мамлакатимизда миллатлараро тотувликни таъминлаш, жамиятда бағрикенглик тамойилларини қарор топтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

РБММ ҳозирги пайтда Ўзбекистон ҳудудида фаолият олиб бораётган 150 га яқин миллий-маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштиришда, уларга ташкилий ва методик ёрдам кўрсатмоқда. Унинг асосий вазифаси миллатлараро муносабатларни янада такомиллаштириш, мамлакатимизда яшаётган турли миллат ва элат вакилларининг миллий-маънавий эҳтиёжларини қондириш, ҳар бир миллатга хос урф-одат ва анъаналарни сақлаб қолишда миллий-маданий марказларга кўмаклашиш, бағрикенглик тамойилларини қарор топтиришга қаратилган жамоатчилик ташаббусларини кўллаб-қувватлашдан иборат. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, бундай тузилма атрофдаги давлатларнинг бирортасида ҳам йўқ.

Байналмилал маданият маркази Ўзбекистонда яшаётган турли миллат фарзандларининг учрашуви, ўзига хос дўстлик уйига айланган. Бу ерда мунтазам равишда халқ байрамлари, фестиваллар, учрашувлар, таниқли маданият арбобларининг чиқишлари, семинарлар ва конференциялар ўтказиб турилади.

Кейинги йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда «Қудратимиз — бирлик ва ҳамжиҳатликда», «Ватан — ягонадир, Ватан — биттадир», «Ўзбекистон — умумий уйимиз»,

**ЎЗБЕКИСТОН —
УМУМИЙ УЙИМИЗ**

«Қудратимиз бирлик ва ҳамжиҳатликда» шioriлари остида кўллаб дўстлик анжуманлари, кўргазмалар, фестиваллар ўтказилди. Деярли барча миллий-маданий марказларнинг бадиий хаваскорлик жамоалари иштирок этган бу санъат байрамлари юртимиздаги миллатлараро тотувлик, бағрикенгликнинг ёрқин намойиши бўлди.

Ўтган йиллар мобайнида РБММ томонидан 100 дан зиёд семинарлар, кўллаб илмий-амалий конференциялар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этилди. Республикаимизнинг барча вилоятлари, қатор шаҳар ва туманлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилган «Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик — тараққиёт омили», «Миллий ғоя — бизнинг ғоя» шiori остидаги доимий ҳаракатдаги кўчма семинарлар, «Тинчлик ва барқарорлик — тараққиёт омили», «Ўзбекистон Конституцияси: ҳуқуқ, бурч ва масъулият», «Миллий ғоя ва миллатлараро тотувлик масалалари», «Ўзбекистон Конституцияси ва демократик тараққиёт масалалари» каби мавзулардаги илмий-амалий анжуманлар бунинг ёрқин мисолидир.

РБММ томонидан миллий-маданий марказлар учун кўллаб йўриқномалар, 20 дан зиёд илмий рисола ва тўпламлар, шунингдек, мамлакатимиздаги миллатлараро тотувлик ва бу борада истиқлол йилларидаги ютуқларимизни акс эттирувчи «Ўзбекистон — умумий уйимиз» альбом-китоби, «Ўзбекистон — бағрикенг диёр» ва «Ўзбекистон Конституцияси — буюк келажакимиз кафолати» номли мақолалар тўпламлари чоп этилди.

Бир сўз билан билан айтишдан бўлса, Республика байналмилал маданият маркази ўз фаолиятини юртимизда ҳукм суриб турган тинчлик ва барқарорликнинг қадрига етиш, уни кўз қорачиқдек асраб-авайлаш, қолаверса бу жараённи кейинги авлодлар учун ҳам муқаддас анъанага айлантириш каби бир қатор хайрли мақсадга қаратилган ҳолда олиб бормоқда. Миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш ва мамлакатимиздаги турли миллатга мансуб аҳолининг Ватан равнақи йўлидаги ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ушбу эзгу мақсадларга эришишнинг муҳим омиллари.

Юртбошимизнинг «Фахрлиниш мумкин ва лозим бўлган бебаҳо қадриятлар — ўз мустақиллигимизни, тинчлигимизни, жамиятда миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги тотувликни асранг» — деган сўзлари бу борада дастуруламал бўлмоқда.

Шоира МУХАМЕДОВА

Маълумки, Тошкент Халқаро Вестминстер университетининг Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан Лондон Вестминстер университети билан ҳамкорликда Ўзбекистонда интеллектуал ёшларни кўллаб-қувватлаш ҳамда уларга замонавий ва сифатли таълим бериш мақсадида 2002 йилда ташкил этилган.

Ушбу университет шу йилдан буён 700 нафардан ортиқ турли миллат вакилларини эзгу мақсад йўлида бирлаштириб, Лондон Вестминстер университети томонидан расман тасдиқланган Бизнес бошқаруви, Бизнесда ахборот тизимлари ва Тижорий ҳуқуқ соҳаларида юқори малакали кадрларни етиштириб бериш. Илмий даражаларини тасдиқловчи дипломларни талабалар Лондон Вестминстер университети вакиллари томонидан оладилар. Энг асосийси, талабалар олган диплом ва эришган натижалар халқаро майдонда ҳам тан олинади ва уларга чет элларда ишлаш ёки ўқишни давом эттириш имконини беради.

Буюк Ипақ йўлида жойлашган, бой тарихга эга мамлакатимизга қадимдан турли маданиятлар, анъаналар ва кашфиётлар кириб келган ва бошқа ўлкаларга тарқалган.

Лондон Вестминстер университети бу заминни ўз анъаналари ва Буюк Британия таълим стандартлари билан янада бойитиб, ёшларни ҳар томонлама билимли қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирда Тошкент Халқаро Вестминстер университети Марказий Осиёда ягона Буюк Британия таълимини берувчи халқаро университет саналади.

— Университетда талабалар уюшмаси мавжуд бўлиб, мазкур уюшма томонидан турли тадбирлар, хусусан, Кўвноклар ва зукколар танловлари, Танишув кўни, Талабалар кўни, Янги йил, Мустақиллик байрами ва бошқа-

лар ўтказиб келинади, — дейди Тошкент Халқаро Вестминстер университети маркетинг бўлими менежери Дилбар Қосимова. — Бу каби лойиҳалар талабаларнинг бир-бирига бўлган муносабатини янада яхшилаш ва аҳил бўлишига хизмат қилади, шунингдек, таълим олиш каби эзгу мақсад йўлида бирла-

(induction week) жорий қилинган. Бунда йил-гит-қизлар гуруҳларга бўлинади ва улар ўзларининг қизиқарили, фойдали, воқеаларга бой бўлган саҳна кўринишларини намойиш қилдилар. Мазкур «Танишув ҳафтаси» лойиҳасини ҳаётга татбиқ қилишдан мақсад, талабаларнинг бир-бирлари, ўқитувчилари,

**Олий ўқув юртларида
ЗАМОНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР
ЁШЛАРНИ БИРЛАШТИРАДИ**

тиради. Албатта, бунинг учун университетда барча имкониятлар яратиб берилган. Барча талабалар қайси миллат ва дин вакиллари бўлишларидан қатъи назар аҳил-иноқликда таълим оладилар. Тасаввур қилинг, турли мамлакатлар ва шаҳарларнинг коллеж-лицейларидан келган ўқувчилар олий таълим масканларига кириши машаққатларидан сўнг талаба деган номга эга бўладилар. Ҳар хил тарбия кўрган, келиб чиқши, маълумоти, дунёқараши турли бу талабаларнинг бир гуруҳ бўлиб жипслашишига маълум бир муддат керак бўлади. Бу мақсадга тезроқ етишиш учун ТХВУ «Танишув ҳафтаси»

ўқитиш тизими ва қонун-қоидалари билан яқиндан танишиб чиқишларини таъминлади. Покистон, Хиндистон, Эрон, Жанубий Корея, Афғонистон, Қозғистон, Россия каби турли мамлакатлардан келган ёшлар учун «Танишув ҳафтаси» муҳим аҳамият касб этади. Мазкур тадбирлар бир сўз билан айтганда, келажак эгаларини ҳозирданок чет эллик ёшлар билан яқиндан дўстлаштириш, ўзаро самимий алоқаларни яхшилашнинг таъминлайди ҳамда мамлакатимизнинг нафақат бугунги кунда, балки, келгусида ҳам халқлараро дўстлигини мустаҳкамлаш, самимий алоқаларга йўғрилган муносабатларини



**МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК —
БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ
ОМИЛИ**

Бу борада олиб борилаётган оқилона сиёсат ва ҳаётга татбиқ этилаётган одилона қонунлар асосида бугунги кунда юртимизда бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари ягона мустаҳкам оила фарзандларидек аҳил-иноқликда яшаб, меҳнат қилмоқда.

Шунингдек, мустақиллик тенгдоши бўлмиш Республика Байналмилал маданият маркази ҳамда бир юз эллика яқин турли миллий маданият марказлари фаолиятини жараёнда жамиятимиздаги тинчлик ва осойишталик, барқарорлик, тотувлик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат муҳити янада мустаҳкамланаётди.

Шулар қаторида 1990 йилда ташкил этилган Тошкент шаҳар татар ижтимоий-маданий-маърифий маркази ҳам 500 дан ортиқ турли ёшдаги татар миллатига мансуб вакиллари ўз атрофида бирлаштириб келмоқда. Марказ аъзолари бир неча йиллардан буён миллатлараро тотувлик, урф-одатларини асраш, Республикаимиздаги барча байрамлар қаторида ўз миллий байрамларини ҳам бағрикенгликда нишонлаш каби ишлар билан машғул бўлиб, турли хайрия тадбирларини амалга ошириб келмоқдалар.

Хусусан, мустақиллик байрамини нишонлаш, қариялар, ижтимоий ҳимояга муҳтожлар ҳолидан хабар олиш, кам таъминланганларга ғам-хўрлик кўрсатиш, Наврўз, Сабантўй, чак-чак байрамларини юртимизнинг чиройли муҳташам саройларида ўтказиб бориш шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча инсонлар келиб чиқиши, тили, дини ва миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг тенг ҳуқуқли фуқароларидир. Уларнинг эркинлиги ва ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, рўёбга чиқаришга оид тамойиллар мустақиллик туфайли ўзининг тўла ифодасини топаётир.

Яқинда ушбу марказнинг турли соҳаларда фаолият олиб бораётган қатор олим, ўқитувчи, ҳуқуқшунос, журналист ва бошқа аъзолари томонидан мамлакатимиз Конституциясига бағишланган илмий-амалий анжуманлар, «Мустақиллик — менинг тақдиримда» мавзусида қатор тадбирлар ўтказилди.

Марказнинг жўшқин, қувноқ ёшлари ташаббуси билан эса «Ёшлар жамияти» тузилган бўлиб, унда бошқа миллий маданий марказлар билан спорт, тил, урф-одатлар борасида кўллаб қизил қарли мусобақалар ташкил этилади. Бу каби амалга оширилаётган лойиҳалар, ишлар ўз навбатида овоз ва обод диёримиз ҳаёти дўстлик ва ҳамжиҳатлик тамойилларига асосланганлигидан далолатдир.

— Ҳукуматимиз томонидан юритилаётган оқилона миллий сиёсат узқининг кўзлангани ва инсонпарварлиги билан халқаро миқёсда ҳам кенг эътироф этилаётир, — дейди Тошкент шаҳар татар ижтимоий маданий-маърифий маркази раҳбари Ришат Набиуллин. — Мамлакатимизда барча фуқароларнинг тенг ҳуқуққа эга эканликлари

рени биргина мисолда тушунтириб ёки кўрсатиб бўлмайди. Ўзбек тили билан биргаликда бошқа қардош халқлар тилларида ҳам умумтаълим мактабларида бирдек таълим бериб борилди, жумладан татар тилини ўрганиш ва ўргатиш учун ҳам барча шарт-шароитлар яратилгани бизни қувонтиради. Мен ҳам мана шу тарафдан заминда унинг-ўсдим, таҳсил олдим, ишлабман, оила кўрдим, фарзандларим ҳам шу жаннатмақом, тинч ва осуда ўлкада камол топаётирлар. Ўтган йили Татар ижтимоий маданий-маърифий маркази ҳам ўз йиғирма йиллик байрамини бошқа миллатлар билан биргаликда нишонлади. Албатта, қўшалок байрам барчамизни қувонтирди. Ўзбекистоннинг самимий, кўнгил очик, меҳнатсевар, бағрикенг халқидан миннатдоримиз. Ушбу мустақил юртининг тараққиёти ва равнақи йўлида ҳақиқатан ҳам ўз ҳиссамини қўшишдан бахтиёрман. Шунинг ҳам алоҳида айтиб ўтишни истардимки, шу азиз диёр менинг ҳам шонжаҳон Ватаним эканлигидан фахрланаман.

Сабоҳат ЯРАШОВА

янада яхшилашга ҳисса қўиши табиий.

Тошкент Халқаро Вестминстер университетида ўтказилаётган ана бир қизиқарли лойиҳа, бу «Маданият ҳафтаси» деб номланади. Унда ҳафта давомида талабалар ҳар кун «Кўвноклар ва зукколар кўни», «Иқтидорлилар шоуиси», «Модалар шоуиси» каби турли тадбирларни ўтказадилар. Шунингдек, ҳафтанинг охирида Тошкентдаги Миср, Озарбойжон, Эрон, Хиндистон маданият марказлари ҳамда Британия Кенгаши томонидан кўргазма уюштирилади. Шу кун талабалар, марказ аъзолари, университет ходимлари ва бошқа меҳмонлар ўзларининг миллий маданий анъаналари, таълимини намойиш этидилар. Шунингдек, бой тарихий меросларини ўрганадилар.

— Ҳозирда учинчи босқич талабасиман, — дейди университетнинг тижорий ҳуқуқ факультети талабаси Зайнаб Камрон. — Асли покистонлик бўлсамда, бу ерда таҳсил олиш менга завқ бағишлайди. Келажакда Ўзбекистон ва Покистон мамлакатларининг ўзаро бизнес алоқаларининг ривожига ва манфаатлари йўлида муҳим лойиҳаларни амалга ошириш истагим бор. Тошкент менга жуда ёқди. Бу ернинг одамлари очикқўнгил ва меҳмондўст. Олийғоҳимиздаги талабаларнинг ўзаро самимий муносабати, миллий, маданий қадрият ва анъаналаримиздаги ўхшашлик бизнинг эркин ва барча имкониятлардан тенг фойдаланган ҳолда таҳсил олишимиз ва билим эгаллашимизни таъминлайди.

Дарҳақиқат, она Ватанимизнинг илиқ меҳри юртимизда истиқомат қилаётган барчага бирдек таралади. Самимий, меҳмондўст диёримизнинг мустақиллик шарофати билан кундан-кунга янада ривожланиб бораётгани давлатимиз маърифати ва ўзининг жаҳон ҳамжамиятида янада мустаҳкамлашишига асос бўлиши шубҳасиз.

Садоқат АСЛАНОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**ЕНГИЛ ТАКСИДА ЙЎЛОВЧИ
ТАШИШ ФАОЛИЯТИ БИЛАН
ШУҒУЛЛАНУВЧИЛАР
ДИҚҚАТИГА!**

Енгил таксида йўловчи ташиш фаолияти билан қонуний шугулланиш истагидаги тадбиркорларни «Тошшаҳар-трансхизмат» уюшмаси тизимидаги ихтисослашган такси саройларида ишга тақлиф этамиз.

Такси саройларида автомобилларни техник назоратдан ўтказиш жойлари, таъмирлаш устaxonалари, йўналишга чиқишдан олдин тиббий кўрик, нозимлик хизматлари ташкил этилганлиги билан бирга, енгил автомобилларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги «Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 139-сонли қарори талаблари асосида жиҳозлаш борасида барча имкониятлар мавжуд.

Ўзингизни қизиқтирган саволлар бўйича қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:

- «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси тел.: 233-51-47
- «Тошавтотранс» АК тел.: 234-90-36
- «Чукурсой автокорхонаси» МЧЖ тел.: 248-05-56
- «Интер-транс-сервис» ҚК ОАЖ тел.: 272-89-47, 272-68-52
- «Махсус тажриба автокорхонаси» МЧЖ тел.: 290-70-17
- «Тўртинчи автохизмат» МЧЖ тел.: 263-38-80
- «5-такси саройи» МЧЖ тел.: 280-60-54

«КО'Р ТАРМОҚИ КО'СНМАС МУЛК САВДО» МЧЖ бошланғич баҳоси охирида босқич охирида тартибда ўтказилаётган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан Учтепа туманлараро судининг 11.06.2009 йилги, Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 17.08.2010 йилги, фуқаролик ишлари бўйича Яқасарой туманлараро судининг 28.08.2010 йилги ижро варақаларига асосан, «Сортсем Сервис» ХФга қарашли бўлган Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 22-уй, умумий майдони 227,0 кв.м., уч қаватли бинонинг қимматли қисми бўлган «Қаҳвагона» савдога қўйилмоқда. Бошланғич нархи — 151 102 000 сўм.

Аукцион савдолари 2012 йилнинг 3 февраль кўни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Юқорида кўрсатилган кўчмас мулклар 2012 йилнинг 3 февраль кўни сотилган тақдирда тақрорий аукцион савдоси 2012 йилнинг 24 февраль кўни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10% дан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «КО'Р ТАРМОҚИ КО'СНМАС МУЛК САВДО» МЧЖнинг АТИБ «Ипотeka банк» Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001, МФО 00425, ИНН 207128747, ОКОНХ 83400 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кўнлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир иш кўни қолганда соат 18.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: №0039

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ бошланғич баҳоси охирида босқич охирида тартибда ўтказилаётган очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

Тақрорий аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан, Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2011 йил 24 июндаги 1-8687/11-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Файрона йўли кўчаси, 101-уй, 36-хонадон манзилида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 75,63 кв.м., яшаш майдони 44,03 кв.м бўлган 3 хонали уй-жой қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 33 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 26 январь кўни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кўнлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2012 йил 24 январь кўни соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипақ йўли банки» ОАИТБ Шарт-Ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519. Аукцион савдоси ўтказилаётган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел.:228-79-52. Лицензия: RR-0001

Учтепа туманидаги 123-умумтаълим мактабида 14 та фан бўйича ўқувчилар ўртасида ўтказилаётган фан олимпиадаларининг туман босқичи бўлиб ўтди.

ФАН ОЛИМПИАДАСИ: ЎҚУВЧИНИ ИЗЛАНИШГА УНДАЙДИ

Республика Таълим маркази ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси ташаббуси билан ўтказилган олимпиадада мактаб босқичида муваффақият қозongan 960 нафар ўқувчи иштирок этди.

Ўқувчилар кимё, биология ва физика, она тили ва адабиёт, ўзбек тили фанларидан оғзаки, ёзма ва тест синовларини топширишди. Тарих, давлат ҳуқуқи асослари, иқтисодиёт назарияси, математика, чизмачилик, география каби фанлар эса икки босқичда олиб борилди.

— Жамиятда ўқитувчининг таълим-тарбиясидан, меҳр-муҳаббатидан баҳраманд бўлмаган одамнинг ўзи йўқ, — дейди Учтепа туманидаги она тили ва адабиёт фани методисти Муассар Маҳмудова. — Бу машаққатли касб эгалари минг-минглаб мурғак қалбларга эзгулик бахш этади, ўғил-қизларимизни мустақил фикрлашга, яшашга ўргатади, ёшларимиз қалбидан эртанги кунга қатъий ишонч уйғотади. Бугун ўтказилаётган фан олимпиадасида ўқувчилар ва ота-оналардан кўпроқ уларнинг устозлари жонбозлик кўрсатаётганини кўриб, бу жафокаш инсонларнинг меҳнати нечоғлик машаққатли эканлигига амин бўлдим. Қувонарлиси, йилдан-йилга фан олимпиадаларида иштирок этишни хоҳлаган ўқувчилар сони кўпайиб, уларнинг билим ва салоҳияти ортмоқда.

Энг иқтидорли ва қобилиятли ўқувчиларнинг билимларини аниқлашда шубҳасиз, умумтаълим фанлари бўйича ўтказилган олимпиадаларнинг ўрни катта. Бу синовлар ўғил-қизларнинг бир йил давомида мактабда фанларнинг назарий асосларини пухта ўзлаштириши баробарида фан тўғрисида олган амалий билимларини намоён этишда муҳим аҳамият касб этади.

— Бир неча йилдан буён фан олимпиадаларида фаол иштирок этиб, ўқувчиларнинг билим ва салоҳиятини синовдан ўтказишда қатнашиб келаяпман, — дейди «Туркистон-пресс» мухбирига Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси методисти Замира Азимбоева. — Ўтган йилларда она тили ва адабиёт фани бўйича ташкил этилган синовларни кузатиб, ўқувчиларнинг назарий билимлари пухта, аммо амалий кўникмалари анчагина сустлигини кўрдим. Кўпгина ўқувчиларнинг оғзаки нутқи ривожланмагани, диктант, баён ёзишда имловий хатоларга йўл қўйишга тўғриворган гувоҳи бўлдим. Ана шу камчиликларни бартараф этиш учун йил давомида она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари иштирокида турли илмий-амалий семинарлар ташкил этилди. Бу сайё-ҳаракатлар самараси ўлароқ, жорий йилги танловда иштирок этган ўқувчиларнинг билим кўникмаси анча ошган.

Танловда фанлар бўйича ғолиблар аниқланди ва улар кейинги босқичга йўланма-ни қўлга киритишди.

Азима ҚИЁСОВА

Бугунги кунда оила, оналик ва болаликнинг ижтимоий муҳофазаси давлатимиз раҳбарининг ва ҳукумати-мизнинг доимий диққат-эътиборида-дир. Жумладан, янги 2012 йилнинг Юртбошимиз томонидан «Мустақкам оила йили» деб эълон қилинганлиги ҳам оилалар мустақкамлигини таъминлашга қаратилган эътибор намуна-насиридир.

Куни кеча 1-Республика тиббиёт коллежининг Ахборот-ресурс маркази-да 2012 йил — Мустақкам оила йили муносабати билан «Оила-муқаддас даргоҳ» мавзусида Республика «Оила» илмий-амалий маркази ҳамда ушбу коллеж ўқитувчилар жамоаси ҳамкор-лигида «Новза» маҳалласи аҳолиси иштирокида тадбир ташкил қилинди. Унда «Оила» илмий-амалий маркази-нинг катта илмий ходими Маҳбуба Мираҳмедова сўзга чиқиб, оила, унинг жамиятдаги ўрни, оилада ота-онанинг вазифаси, болалар тарбияси ва улар-нинг катталар олдидаги бурчи, эрта тузилаётган никоҳлар, уларнинг орқа-сидан чиқиб келаётган муаммолар, бу-нинг олдини олиш учун қўрилаётган чора-тадбирлар хусусида сўзлади. Шунингдек, оилада тинчлик- тотувлик-ни таъминлаш, соғлом ва баркамол фарзандларни воғга етказишда ота-оналарнинг масъулиги, хонадон саришталлиги, файзу баракали бўлиши-да аёлларнинг роли катта эканлигини уқтириб ўтди.

Дарҳақиқат, Ватанимиздаги мав-жуд оила гулшанида табаррук дуоғуи кексаларимиз, меҳрибон ота-онала-римизнинг борлиги бебаҳо бойлиги-миз, катта давлатимиздир. Улар ҳаммаша фарзандлари ардоғида, эъзо-сида яшайдилар. Уларнинг панд-на-сиҳатлари, маслаҳатлари, берган тар-биялари туфайли фарзандлари били-мли, меҳнатсевар, ҳар томонлама баркамол ва комил инсон бўлиб воя-га етмоқда. Албатта мана шундай

2012 йил — Мустақкам оила йили

Оила — ҳаёт кўзгуси, меҳр-муҳаббат, садоқат, тотувлик ҳукми сурган муқаддас қўрғондир. Асосий Қомусимизда «Оила — жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга» деб ёзиб қўйилган. Президентимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида таъкидлаганидек «Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир».

МУҚАДДАС МАСКАН



оилалар бахтиёр оилалар сирасига барчага манзур бўлди. Дилором ИКРОМОВА СУРАТДА: тадбирдан лавҳа. Козим Улмасов олган сурат

Футбол

ЎЗБЕК ФУТБОЛЧИЛАРИ — КУЧЛИЛАР САФИДА

Ўзбекистонлик чарм тўп усталари — Сервер Жепаров ва Одил Аҳмедов футбол ҳақидаги Goal.com сайти томонидан 2011 йилги мавсум якунлари бўйича Осиё қитъасининг энг кучли футболчилари қаторига киритилди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юрти-мизда навқирон авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол воёга етказиш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда спортнинг барча тур-лари қатори миллий футболимизни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, маҳоратли чарм тўп усталарини тарбия-лашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳ-барининг футболни ривожлантиришга оид қарорлари бун-да муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Бу борадаги ишларнинг юксак самаралари бугун халқ-аро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда.

Футбол оламида катта нуфузга эга Goal.com сайти му-тахассислари томонидан 2011 йилги футбол мавсуми якун-лари бўйича Осиё қитъасининг рамиш терма жамоалари тузилди. Унга кўра, Ўзбекистон миллий терма жамоаси-нинг бир йўла икки аъзоси — Сервер Жепаров ва Одил Аҳмедов осийлик энг кучли футболчилар сафидан ўрин олди.

Сервер Жепаров миллий терма жамоамизнинг 2011 йил январь ойида Қатарда бўлиб ўтган футбол бўйича Осиё кубогига кучли тўртликдан жой олишига, 2014 йили Бра-зилияда бўладиган жаҳон чемпионатининг саралаш мусо-бақасида ўз гуруҳида пешқадамлик қилишига муносиб ҳисса қўшди. У жамоа сардори сифатида футболчилари-мизни ягона мақсад сари бирлаштириб, энг муҳим ўйин-ларда ҳал қилувчи голларга муаллифлик қилди.

Яқинда моҳир футболчимиз Осиё футбол конфедера-цияси вакиллари томонидан иккинчи марта Осиёнинг энг кучли футболчиси деб тан олинди. Бу осийлик футболчи-лар учун қитъа миқёсидаги энг юксак эътирофдир.

Истеъдодли ярим ҳимоячи Одил Аҳмедов эса 23 ёшгача бўлган энг кучли футболчилардан таркиб топган рамиш тер-ма жамоага киритилди. Одил «Осиё кубоги — 2011» мусоба-қасининг биринчи ва энг чиройли голини уриб, муҳлису мута-хассислар эътиборига тушган эди. Айни пайтда у жаҳон чем-пионати саралаш мусобақасидаги ишончли ўйинлари билан терма жамоамиз муваффақиятига ҳам муносиб ҳисса қўшди.

Одил Аҳмедов Ўзбекистон футбол федерацияси томо-нидан 2011 йилнинг энг яхши футболчиси ва мураббийи-ни аниқлаш мақсадида оммавий ахборот воситалари хо-димлари ўртасида ўтказилган сўровда ҳам ғолиб чиқди. Жами 257 очко жағмариб, Осиёнинг энг яхши футболчи-си Сервер Жепаровни ҳам ортда қолдирди.

Шунингдек, Одил Аҳмедов Россия чемпионатида му-ваффақиятли иштирок этаётган «Анжи» футбол клубининг мавсумдаги энг кучли футболчиси, деб топилди. Уч босқич-дан иборат танлов якунига кўра, ўзбек футболчиси ўз жамоадоллари — россиялик Юрий Жирков, нидерланди-ялик Муборак Бусуффа, камерунлик Самуэль Это'О каби машҳур футболчиларни ортда қолдирди.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси

Қатрлар

ЯХШИЛИК

Ота ва бола сўхбати одоб ҳақида эди. — Бировга қилган яхшилигингни унутган-нинг афзал, дейишингизнинг боиси нима? — сўради ўғли. — Унутсанг, яхшилигингни миннат қилиш-га кўнглингга жой қолмайди. Яхшилигинг ювилиб кетмай мудом савоблигича қолади, болам. Яна ўғил: — Бошқаларнинг сенга қилган яхшилигини эса унутма, дейишингизнинг боиси-чи? — деди. — Меҳринг доимо товланиб, сен ҳам унга

ҚЎМСАШ

Ота киш чиқиши билан далани қўмсайди. Хаёлида қадрдон ерла-ри уни: «кел, тоза ҳаво, офтоб чиройидан баҳра ол. Танангни яйра-тувчи ўзинга яраша иш топилади. Кела қол, меҳнатда жавлон урган ёшлигингга қайтгандек бўласан», — дея бағрига чорлайди. «Аллох, шу кунга етказдинг. Беадад шукр Сенга!» Ота кетмонини чархлаб елкасига олади. Кетмон кучига-куч, тетиклик бахш этади. Юзига эса табассум. Отасини зимдан кузатаётган ўғил эса ўзинча диққат: «Отамга нима етишмайди. Аллақачон пенсияга чиққан бўлса. Кўча-қўйда кўрганлар, шундоқ топармон ўғли отасига қарамас экан, демайдими?».

яхшилиқ қилишга интилаверасан. Бошинг яхшиликдан чиқмайди, — деди ота мамнун-лик билан.

БАЛИҚ БОШИДАН...

Қорин оғриққа чидай олмай оҳ-воҳлайди. — Қопчигингга сиққанини олмайсанми? Ўзингдан кўр, — дейишди унга. — Жигилдонга ҳайронман. Овқатни ўзи-дан ўтказиб, ҳадеб менга тиқштираве-ради, — ўзини оқлади қорин. — Қориннинг оғриғига сабабчи сен экан-сан, жигилдон, — дейишди унга. — Нафс ҳақалак отиб, дағ-дага қилиб тур-са, овқатни ошқозонга ўтказиб юбормайчи, кунимни кўрсатади, — деди жигилдон.

— Ундай бўлса айбдор сен экансан, — дейишди нафсга. — Мен ақлга қарамман-у. Кейинги вақ-тда сабр деган шифоли доридан бер-май қўйди менга. Ўпқон деган касалга чалиндим. Айтинглар, Сабр дорисидан тезроқ топиб берсин, — нафс ҳам ўзини оқлади. — Ўпқон касали қоринни қопдек қилди, уни кўтара олмай оқсаб қолдим. Ўпқонга тезроқ даво топсин, — деди оёқ нафсни ёқлаб. — Ортиқча овқатдан пайдо бўлган ёғлар-дан сиқилияпман, — дея арз қилди юрак. — Ақлга айтинглар, тезроқ берсин дорини. — Энди аниқ билдик: Қориннинг оғриғи-га энг бошидан биринчи сабабчи ақлвой-нинг ўзи касал экан, — дейишди.

Ўғил бу фикрни дарров айтишга мулоҳаза қилди. Учинчи кун саб-ри тугаб кетмонга ёпишди: — Кўйинг энди шуни. Шунча йил қўлингиз қадоқ бўлгани етар. Маза қилиб юринг давримда. Пул керакми?! — Гап фақат пулдамас. Химматингга балли. Дуо қиламан. Нима қилай. Далага ўрганган бўлсан, — ота қўлини кетмонга чўзади. — Кетмонимдан айирма, жон болам. Падари бузруқворининг камтарона сўзида жиндеккина ялиниш ҳисси, илтижодан ўғли галати бўлиб кетди. Назарида падари бузруворининг қўлидан кетмонини эмас, соғлик, қувончини тартиб олаётгандек бўлди. — Кўп уринмай соғлом юришингизни ўйлайманда мен ҳам, — деди ўғли отасининг кетмонини қўлига тутқазар экан.

Фани АБДУЛЛАЕВ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»
Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун теле-фон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзили-миз: Матбуотчи-лар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 223-хона.



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР ҲАЗИНАСИ

Бевафо кишига чиройли хотинни, муҳтож кишига пулни ва оловга ўтин-ни ишониб бўлмайди, деганлар.

Душман қанча кучсиз бўлса, газаби шунча кучли бўлади.

Душманинга ҳам яхшилик қил.

Душман асло дўст бўлмас.

Вафо қилса, вафо топгусидир, Жафо қилса, жафо топгусидир.

Ваъдага вафосизлик қилиш энг яра-мас ишдир.

Яхшилик қилган киши унга лойиқ муқофот топади.

Энг яхши хулқли ва энг зўр илмли киши серхавотир ва эҳтиёткор бўлади.

Ҳали охири номаълум иш ҳақида одамларга олдиндан сўзлаш нолайик-дир.

Машойихлар энг улуғ яхшилик шоҳ-нинг одиллиги, табибларнинг дониш-мандлиги, олимларнинг етуқлиги ва ўз илмига амал қилувчилигидир, деб бежиз айтмаганлар.

Ёғду билан зулматнинг тенг келиши номуносибдир.

Илм — ўрганишдан, фикр — тажри-ба ва синовдан, англаш — тафаккур-дан иборатдир.

Бир кеча-кундуз йигирма тўрт соат-дир, бу вақтнинг бир қисмини тирик-лик учун керак яроғларни топиш учун сарф қилиш, иккинчи қисмини уйку ва роҳат учун сарф қилиш, учинчи қис-мини илм олишга сарф қилиш керак. Чунки одам ақлли бўлса-ю, унда илм бўлмаса, у киши гўё пода боқишга ҳам, экин экишга ҳам яроқсиз, беу-нум ер кабидир. Ундай ер бефойда-дир. Шунингдек, илмсиз одамдан ҳам фойда йўқдир.

Сўз мисоли бир ўқ кабидир. Ўқ отил-гач, уни ҳеч ким қайтара олмайди.

Сирни фош қилувчилар олдида сир айтишдан сақланиш зарур.

Сирни душмандан кўра дўстлардан кўпроқ яшириш зарур.

Одам боласига муродга эришиш фақат қариндош-уруғлари билан яхши муомала қилиш ва муносиб муноса-батда бўлиш натижасидагина мумкин.

Эргаш ОЧИЛОВ
тайёрлаган
(Давоми бор)

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ
Тошкент шаҳрида 10 январь кунини ҳаво ўзгариб туради, кечкурун ва эрталаб туман тушади. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда, секундида 3-8 метр тезликда 12-17 метр тезликда шамол эсади. Ҳаро-рат кечаси — 6-8 даража